

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Қишлоқ мулкдорлари

ҲОСИЛИ БАРАКАЛИ, ДАРОМАДИ САЛМОҚЛИ

“Ҳақиқат кучи” фермер хўжалигини Бекобод туманида илгорлар қатори тилга олишади. Мирзараҳмат Мирзаев раҳбарлик қилаётган хўжалик 2004 йилдан буён пахта ва галла сотиш шартнома режаларини мунтазам ортиги билан бажариб келмоқда.

Ўтган йили 60,5 гектардаги пахтадан 36 центнердан ҳосил олинди. Давлатга режадаги 156 тонна ўрнига 220 тонна хом ашё етказиб берилди. Галла сотиш шартномаси ҳам ортиги билан бажарилди. Натижада хўжалик 90 миллион сўм соф даромад олди.

Фермер ҳисоб-китобли, тадбирли бўлиши керак, – дейди асли касби ҳосилот бўлган М. Мирзаев. – Ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида бажарилса, ҳосил баракали бўлади. Ортиқча харажат ва чиқимлар барҳам топиб, даромад кўпаяди.

Хўжалик ўтган йилги даромадидан янги ҳайдов трактори сотиб олиш тарафдориди. Бу йил олинажак даромадини эса чорвачиликни йўлга қўйиш учун сарфламоқчи.

Тўғриси айтсам, ўтган йили дон сотиш шартномаси бажарилди-ю, ўзимизга галла қолмади. Бунинг ўзимизга боғлиқ бўлган ва бўлмаган сабаблари бор. Бу йил шу сабабларни таҳлил қилиб, тегишли хулоса ясаб, бултургидан икки баравар кўп ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. 40,5 гектар ердан давлатга 120 тонна галла сотиб, яна шунча донни ўзимизда олиб қолишни чамалаяпмиз.

42 гектар майдондаги гўзага биринчи ишлов якунланаяпти. Культивациядан чиққан ерда биоррота ҳам бегона ўт кўринмайди.

– Эртдан янага тушамиз, – дейди фермер. – Беш-олти кунда тугалаб, яна бир қарра культивация қиламиз. Шундан кейингина хўяк олиш билан бир йўла ўғит бериб, сугоришга киришамиз. Албатта, бу жараёнларда обхавонинг қандай келиши ва ниҳоллар ҳолатини эътиборга оламиз.

Ғузани культивация қилаётган тракторни фермернинг ўртанча ўғли Абдурасул бошқараётган экан. Яна икки ўғли – Абдурахмон ва Абдурахим ҳам механизаторлик қилишади. Ерни хайдаш, текислаш, экин экиш, қатор ора-ларига ишлов бериш, ўғит ташиш каби ишлар шу уч оғани зиммасида. Техника ҳам, механизм ҳам, механизатор ҳам ўзидан.

Фермерлик ҳаракати бошлангунга қадар ҳосилот, бригада ва бўлим бошлиғи бўлиб ишлаганман, – дейди Мирзараҳмат Мирзаев. – Аммо меҳнатимнинг рўйбину ўз кўзим билан кўрган эмасман. Энди эса ўз ерим, ўз техникаларим бор, даромадим ўз кўлимда. Истиклол берган бундай имконият учун Ўртабўшимиздан ва ҳукуматимиздан миннатдорман.

Каримкул МАВЛОНОВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири.



СУРАТДА: фермер М. Мирзаев ўғли Абдурасул билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Яқинда Хитойдаги Миллий кўргазмалар марказида “China Outbound Travel & Tourism Market” (“СОТТМ – 2013”) халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. БМТ Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмағида ўтказилган тадбирда жорий йили дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан келган сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари қатнашди.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

“СОТТМ – 2013” кўргазмаси доирасида мамлакатимизнинг сайёҳият соҳасидаги бой салоҳияти Ўзбекистон Республикасининг Хитойдаги дипломатия миссияси билан ҳамкорликда “OgeXCa” компанияси томонидан тақдим этилди. Кўргазма меҳмонлари юртимиз заминидан кўлаб бетақдор тарихий осори-атиқалар, халқимизнинг кўна тарихи ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ранг-баранг ҳамда ўзига хос анъаналари тўғрисидаги маълумотлар билан атрафлича танишдилар. Тадбир чоғида намоийш этилган хужжатли фильмлар ва халқ амалий санъати намуналари “СОТТМ – 2013” меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизнинг маъруза соҳасидаги имкониятлари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, “China Sport Travel” сайёҳлик компанияси вакили Ли Чжан бетақдор ва ранг-баранг табиатига, қўлай иқлим шароитлари ва бир-биридан гўзал қадимий шаҳарларига эга бўлган Ўзбекистон хитойлик сайёҳларни ўзига доимо оҳанрабодай тортишини эътироф этди.

– Ўзбекистон вакиллари-нинг “СОТТМ – 2013” кўргазмасидаги иштироки мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти билан батафсил танишиш учун қўлай имкониятдир, – деди у. – Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда, жумладан, сайёҳлик жабҳасида ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини ҳар томонлама тақомиллаштириш ва модернизациялаш йўлида амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли юртингизнинг халқаро туризм бозоридан нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалиб бораётир.

“Жаҳон” АА.

Яна тўловлар ҳақида

СИЗНИ ҲУРМАТЛИ РАҲБАР ДЕЙИШГА ТИЛ ОЖИЗ!

Коммунал тўловлардан қарздорлик ҳақида сўз кетганда турли вазоратларни эшитамиз. Бирок, турли корхона, ташкилот, муассасаларда раҳбар лавозимларда ишлаётган ходимларнинг бу борадаги қарздорликларини қандай изоҳлаш мумкин?

Коммунал хизматлар бўйича тегишли бошқармалардан олинган маълумотларга кўра раҳбарлар ўртасида ҳам қарздорлар кўпчилигини ташкил этади.

Қуйида бошқаларга «ўрناق» бўлиши учун шу йилнинг 1 май ҳолатига қарздор айрим раҳбарлар рўйхатини эътиборингизга ҳавола этишни жоиз деб билдик.

Газ таъминотидан Бўстонлик туманидаги КХТ коллежи раҳбари М. Ниёзобоев 127 162 сўм, “Халқ банки”дан Н. Содиков 507 292 сўм, “Микро-кредитбанк”дан А. Ж. Бўрибоев 89 495 сўм, педагогика коллежидан А. Борхўжаев 53 672 сўм, Агроинтескодиёт коллежидан Б. Шодибоев 98 440 сўм қарз бўлишган.

Ўрта Чирчиқ туманида эса ҳоким ўринбосари Ш. Ҳошимов 88 869 сўм, “Сувоқава” бошлиғи М. Тожибоев эса 3 213 000 сўм, коллеж раҳбарлари Р. Бобононов 334 008 сўм, Б. Ҳамитова 430 345 сўм қарзни тўлашмаган.

Янгийўл тумани ҳокими ўринбосари Р. Ураков 48 216 сўм, педагогика коллежидан А. Азимов 57 минг сўм, “Қишлоққурилишбанк”дан Ф. Қурбанов 74 минг сўм қарз бўлган.

(Давоми 2-бетда).

Пискентда кўргазмали семинар

НАМУНАВИЙ ХЎЖАЛИКДАГИ БИР КУНЛИК САБОҚ



Пискент туманидаги Ботир Ганиев раҳбарлик қилаётган «Комила Сайдуллаева» фермер хўжалиги пахта майдонига вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов бошчилигида гўзага ишлов бериш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар

Тадбирда вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, туманларга бириктирилган бош вакиллар, туман ҳокимлари, вилоят ва туман прокуратура ходимлари, ички ишлар, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, республика Марказий ва тижорат банклари вилоят бўлимлари, “Пахтасаннат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси вилоят ва туман пахта тозалаш корхоналари, “Қишлоқхўжалигимиз” ҳудудий акциядорлик жамияти вилоят ва туман бўлимлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш вилоят ва туман бўлимлари, нефть ба-

гиланган агротехник тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ барча ишларни тизимли ташкил этиш ва сифатли ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар уюштирилди.

Широкочилар семинар кун тартибига қўйилган масала – 2013 йил ҳосили учун экилган гўза ниҳолларини фосфорли ўғитлар билан озиклантириш, янага қилиш, барг орқали ўғит бериш (суперпензия сепиш) тадбирларини тизимли ташкил этиш йўл-йўриқларини атрафлича ва кўргазмали воситалар ёрдамида муҳофама қилди-лар. Асосий эътибор киме-

вий ўғитларни вақтида ва меъёрида бериш, гўза уларни тўлиқ ўзлаштиришни таъминлашга, ниҳолларни мақбул пайтда ҳамда қисқа муддатда янага қилиш, пахта майдонларида бегона ўт бўлишига йўл қўймаслик, культивацияни тупроқнинг нами ва гўза ниҳоллари талабига қараб, айна зарур фурсатда сифатли ўтказишга қаратилди. Озиклантириш ва қатор ора-ларига ишлов бериш агротехник тадбирларини бирга қўшиб ўтказиш ҳақида фойдали тавсиялар берилди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?

ЭҲ, БУ КЎЧАЛАР, БЕФАЙЗ ГЎШАЛАР...

Юртимиз байрамларга бой, яхши кунлар бисёр. Ҳар ҳафта, ҳар ой бирор санани нишонлаймиз. Бироқ шундай байрамлар ҳам борки, уларга алоҳида тайёргарлик кўриб, кўтаринкилик билан ўтказишга ҳаракат қиламиз. 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини шундай байрамларимиздан бири.



Бу кунга ҳар йили жойларда ўзгача тайёргарлик кўрилади. Ўтганларни хотирлаш, эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилиб, булгун қариллик гаштини сураётган кексаларимизни йўқлаш энг эзгу анъана-

ларимиздан бирига айланган. Кўча-кўйларни тартибга келтириш, қабристонларни обод қилишга ушбу байрам арафасида янада кўпроқ аҳамият берилди.

Хусусан, вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар режасининг 13-бандида ҳам кўча ва хиёбонларни ободонлаштириш, байрамона безаш, Хотира майдонлари, зиёратгоҳлар, қабристонларни тартибга келтириб, обод масканга айлантириш каби масалалар белгиланиб, тегишли идора ва ташкилотлар ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларига вазифалар юклатилган. Шунга мувофиқ вилоятимиз шаҳар ва туманлари, маҳалла гузарлари ва қиш-



лоқларида ободонлаштириш ишлари қизгин.

Муҳбирларимиз жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан таниша туриб, айрим ҳудудларда ноҳус манзараларга ҳам гувоҳ бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНГА ҲАМНАФАСЛИК

бугунги оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси бўлмоғи лозим

Оҳангарон туманидаги “Мажнунтол” маросимлар саройида “Миллий матбуот ривожланишининг янги босқичдаги истиқболлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, матбуот ва ахборот бошқармаси, журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтган тадбирда бугун вилоят оммавий ахборот воситаларининг қай даражада давр билан ҳамнафаслиги, мазмун ва сифат уйғунлиги мавзулари кенг муҳофама этилди.

Жумладан, иштирокчилар “Ўзбекистонда ахборот соҳасини либераллаштириш – фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий оми-



ли”, “Оҳангарон ҳаёти” газетасида куннинг муҳим вазифаларининг ёритилиши”, “Полиграфия корхоналарининг медиа бозори талаб-ларига мослашишининг долзарб масалалари”, “Босма нашрлар тарқатиш тизи-

мини тақомиллаштириш аҳолига ахборот етказишнинг муҳим бўлини сифатида” каби мавзуларда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Қишлоқ мулкдорлари

«БИЛГАНИМНИ ЎРГАТИШ МЕНГА ЁҚАДИ»



Оқила, оилапарвар, пазанда, чевар, меҳнатсевар... Бу ўзбек аёлига хос хислатлар. Бунга тadbиркор, ишбилармон каби сифатлар ҳам қўшилса тўғри бўлади.

Янгийўллик Раъно Бобоева – шундай аёл. Илганувчанлиги билан эл назарига тушди, маҳалла-кўйда обрў-этибор орттирди. Айниқса, фарзандларию келинларини ёнига олиб, чеварлик, тўқувчилик қилишига кўпчилигининг хаваси келади. Қизи Дононоҳ ва келини Шаҳнозахон тиккан замонавий пардалар доим харидордир. Қўли-қўлига тегмаётган тикувчилар пардаларни миқозларининг дидига ва айтаган услубига мос бичиб-тикиб, уларнинг ишончини қозонишяпти.

Бугунги кунда тadbиркорнинг 100 га яқин она куёни бор. Улар тез кунда 2-3 баравар кўпаяди. Гушти фойдали бўлгани учун қўшни туманлардан келиб, жониворни парвариш қилиш сир-асрорларини ўрганишяпти.

– Ўз тажрибаларимни ўргатиш менга ёқади, – деди Раъно Бобоева. – Куёнчилик билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Озуқадан муаммо йўқ, бироқ уларнинг касалликлари чалинишидан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки битта куёндаги касаллик ҳаммасига тез ўтади.

Бугунги кунда тadbиркорнинг 100 га яқин она куёни бор. Улар тез кунда 2-3 баравар кўпаяди. Гушти фойдали бўлгани учун қўшни туманлардан келиб, жониворни парвариш қилиш сир-асрорларини ўрганишяпти.

Ирода НОРБОЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: Раъно Бобоева турмуш ўртоғи Ғулмон Бобоев билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни олдида

Ҳамид Норкул ҳақида ёзиш кўнгилга хотира маҳзунлигини солса-да, биз – ҳамкасбларига ҳеч бир қийинчиликсиз кечамиз. Чунки, у ҳақда сўз борганда мисралар ўзи қўйилиб келверади. У вилоятдаги ҳамма касб-шўналар билан дўст, ака-укадай эди. Бирор тadbир йўқ-ки, ўз фикрини билдирмаган бўлса. Деярли ҳамма тadbирларини фаол бошқарар эди.

Ҳамид Норкул яхши инсон бўлиш билан бирга яхши раҳбар ҳам эди. У ўрта Чирчиқ тумани ижтимоий-саноат газетаси «Машъал»га 1998 йилда бош муҳаррир лавозимига ишга ўтгандан кейин газетанинг сифати ҳам, мазмун-мундарижаси ҳам кескин ўзгарди. Бунда туманда раҳбарлик лавозимларида ишлаган тажрибала-

ри қўл келди. У қайси раҳбар билан гаплашмасин, тўртинчи ҳокимият вакили экани сезилиб турарди. Бу эса туман газетасининг адолатли оқишига, танқидий мақолаларда кўрсатилган иллатларнинг тугатилишига олиб келарди. Дўстимиз нафақат етук журналист, балки истеъдодли шоир ҳам эди.

Огоҳлик

ОСОЙИШТА КУНЛАР ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Яқинда Американинг Бостон шаҳрида ўтказилган марфрон жараёнида содир этилган хунрезлик дунё афкор оммасини яна ва яна огоҳликка чорлади. Кўз ўнгимизда ўнлаб одамлар ноубуд бўлди, минглаб кишилар жароҳат олади, яна қанчаси руҳан азият чекади.

Бу фожиа ортиқча хотиржамлик ва бепарволик натижаси эмасми?!

Хўш, бузғунчиларга аслида нима керак?

Бундай ёвуз кучлар фақат ва фақат ҳокимиятга интиладилар, уни эгаллаш йўлида ҳар қандай ёвузликдан қайтишмайди. Энг ачинарлиси, улар бу мақсадлари йўлида минглаб, миллионлаб одамларни қирғон қилиб юборишдан ҳам тоймайдилар.

Бугун Ўзбекистонга ҳам четдан кўз олайтираётганлар, турли бўҳтонлару тухмаёт тошларини отиб, жаҳон ҳамжамияти олдига обрў ва нуфузига раҳна солишни истаётганлар кўп. Ўзбекистонда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзлари ча таҳлил қилиб, тирноқ остидан кир қидириб, ёмонотлик қилаётганлар бисёр. Улар шу йул билан жаҳон эътиборини ўзлари-

СОДИҚ ДЎСТ, ЖУРНАЛИСТ, ШОИР...

Унинг ўнлаб шеърлар тўплами нашр этилган. «Ойдин ниятлар», «Элдан топган ҳаяжонларим», «Кўлардаги дунё», «Белида белбоғи бор эл», «Сиз барибир бошқачасиз», «Тансиқ кунлар» каби тўпламларида Мустақил Ўзбекистоннинг, овоз ва обод Ватанининг содиқ фарзанди эканини ёрқин рангларда куйлади. Ватан ягоналигини, унга содиқ фарзанд бўлиш эса ҳар бир ўғил-қизнинг бурчи

эканини завқ-шавқ билан ёзди: Киприқларимга «Ватан» деб ёздим, кўзларимга тўқилди. Кўзларимга «Ватан» деб ёздим, юрагимга тўқилди. Юрагимга «Ватан» деб ёздим, тупроғимга тўқилди. Мен эса дарахдай тупроқда ўсдим. Ватанини лоқал... шамолдан тўсдим. Моҳир журналист Ҳамид

Норкул жондай азиз Ватанини, Мустақил Ўзбекистонини кўз қорачиғида асраб, юракдан севиб, уни ардоқлаб яшайди. Бу унинг кўплаб публицистик мақолаларида ҳам ўз аксини топган. Содиқ дўст, тўғрисиқ инсон, ўткир журналист, оташнафас шоир Ҳамид Норкулни биз, ҳамкасб дўстлари ҳар кунги, ҳар дақиқа хотирлаб, соғиниб яшаймиз. Абдулла МАЪДИЕВ, «Оққўрғон овози» газетаси муҳаррири.

Пискент агросаноат ва иқтисодийёт касб-хунар коллежиде бўлиб ўтган «Касблар фестивали» тadbирларида ўқувчилар тўқувчилик, тикувчилик, хунарманчилик ва қўл амалий санъати йўналиши бўйича тайёрлаган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди.

КАСБ ФЕСТИВАЛИ ВА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Бундан ташқари, коллежга ташриф буюрган мактаб битирувчилари қишлоқ бўйича, саноат тармоқларидаги 6 та касб йўналиши бўйича амалий машғулотлар ўтказишди. Шунингдек, тумандаги маънавий хизмат ва касб-хунар коллежиде ўтказилган «Очиқ эшиклар куни»нинг бу галги меҳмонлари туман умумтаълим мактабларида тахсил олаётган юқори синф ўқувчилари бўлишди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташкил этган тadbир иштирокчилари коллеж ҳаёти, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, замонавий жиҳозлар билан таъминланган фан кабинетлари, ўқув-лаборатория хоналари, спорт заллари билан танишдилар.

Равшан НЕЪМАТОВ.

БИЗГА ЎРГАТАР ОДОБ, БИЛИМ КОНИМ КИТОБ!

Вилоят «Турон» ахборот-кутубхона марказида «Бизга ўргатар одоб, билим коним китоб» мавзусида маънавий-маърифий кеча ўтказилди.

Тadbирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, ёш ижодкорлар, Ҳамза туманидаги 206- ва 212-мактаб ўқувчилари, «Урта-Масжид», «Бинокор», Муқимий номли маҳаллалар фаоллари қатнашди. Кечада «Биринчи китобим» туркумида уюшма «Ижод» фонди ҳомиёлигида нашр этилган китоблар ва ўзбек халқининг сеvimли шоири Муҳаммад Юсуф таваллуд куни муносабати билан унинг ижод намуналари жамланган китоблар кўргазмаси ҳам ўтказилди.

«Очиқ эшиклар куни» мактаб битирувчилари ўртасидаги «Ким қачонку ким эпчил» спорт мусобақасига улашиб кетди. 300 дан ортиқ ўқувчилар иштирок этган мусобақа гоилибларига коллеж маъмурияти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совгалари топширилди. Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Яна тўловлар ҳақида

СИЗНИ ҲУРМАТЛИ РАҲБАР ДЕЙИШГА ТИЛ ОЖИЗ!

Электр энергиясидан Бекобод тумани «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Каримов 100 минг сўм, йўл ҳўжалиги корхонаси муҳандиси С. Жалилов 797 минг сўм, Далварзин касб-хунар коллежи директори М. Абдувалиев 50 минг сўм, «Қуштамғали» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х. Мамакаримовнинг 245 минг сўм қарздорлиги мавжуд. Бўстонлик тумани «Ернали Шермат» фермер ҳўжалиги раиси Ш. Тасибаев (Давоми. Боши 1-бетда).

1 613 600 сўм, қишлоқ ҳўжалик коллежи муовини М. Юлдашбаевнинг 150 минг сўм қарзлари бор. Қўйи Чирчиқ туманидаги «Тукбой» фермер ҳўжалиги раҳбари Х. Абдурахмановнинг 78 минг сўм, «Отажонов У.М.» хусусий корхонаси раҳбари У. Отажонов 15 минг сўм, «Уралбой Турсунпоша» хусусий корхонаси раҳбари И. Муралипов 23 минг сўм, «Сирғали агро» фермер ҳўжалиги раҳбари М. Қодировнинг эса 15 минг сўм қарзи шу

кунгача тўланмаган. Олмалик шаҳридаги ЖРЭО АГМК раҳбари Камилловнинг 150 минг сўм, МПЗ АГМК бош муҳандиси Абдуқадировнинг 162 минг сўм қарзлари бор. Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлими ходими, миллион капитани Холбоевнинг 414 минг сўм, «Сувқоова» раҳбари Гайдаровнинг 60 минг сўм қарздорлигини қандай баҳолаш мумкин? Пискент тумани «Тўлепов Ғулмон» фермер ҳўжалиги раҳбари Г. Тўлеповнинг 112

минг сўм, «Меҳнат Обод» фермер ҳўжалиги раҳбари З. Шириновнинг 400 минг сўм, «Худоёр Ботиров» фермер ҳўжалиги раҳбари Б. Худобоевнинг 448 минг сўм, «Эсон ота» фермер ҳўжалиги раҳбари О. Эшбековнинг 224 минг сўм қарздорлиги мавжуд. Чиноз тумани «Дехқон-обод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Муминовнинг 36 минг сўм, «Авгон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х. Жумановнинг 73 минг сўм қарзлари бор.

Паркент тумани «Кушукур» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш. Имомбердиевнинг 19 минг сўм, «Кулучи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х. Ҳасановнинг 54 минг сўм қарзлари тўланмаган. Бу биздаги маълумотларнинг бир қисми холос. Уйлаймизки, вилоятимизнинг турли ташкилот ва муассасаларида меҳнат қилаётган раҳбарлар бундан ўзларига кераклича хулоса чиқарадилар.

Вилоят ҳоқими топшириқлари қандай бажариляпти?

ЭҲ, БУ КЎЧАЛАР, БЕФАЙЗ ГЎШАЛАР...

Масалан, Чирчиқ шаҳрининг марказий кўчаларидаги бозор ва бошқа жамоат жойларида эълон ва рекламага алоҳида жойлар ажратилмагани оқибатида ҳар бир сименгоч ва деворлар турли қороз парчаларига тўлиб кетган. Бу эса шаҳарда кўпчилик ўрганиб қолган манзарага айлиниб улгурган. Ҳеч ким эътибор ҳам бермайди, бош ҳам қотирмайди. Зангиота тумани Хонобод қишлоғи Зулфия



налари йўлларни шундай абгор қолга келтирмоқда. Асфальтни эзиб, кучириб ташламоқда, янгигина ямалган чуқурларни эса қайтадан уйиб юбормоқда.

– Завод Тошкент шаҳри ва вилояти эҳтиёжлари учун жуда зарур, – дейишмоқда хонободликлар. – Қолаверса, бу ерда ўзимизнинг ҳамқишлоқлар ишлашади. Аммо, завод раҳбарияти шу йўлларни таъмирлаш ҳақида ҳам бироз жиддийроқ ўйлаб кўришса яхши бўларди. Бу ерда тайёрланган асфальт билан похтаитимиз йўллари раво ва текис бўлаётти-ю, аммо қишлоғимиз йўлларига маймунлар йинглапти.

Зокирова номли маҳаллада эса бир пайтлар қаровсиз қолган эски қабристонни обод қилишга киришилганининг гувоҳи бўласиз. Қабристон агрофи девор билан ўралган, зиёрат қилувчиларга алоҳида айвон қурилган. Лекин ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Айтилик қабристон худудини янада ободонлаштириш, дарахтлар экиш, тозаланин сақлаш, қабрларни оресталаш масаласига маҳалла фаоллари билан бирга аҳоли ҳам жиддий эътибор бериши лозим. Негаки, бу ерда шу маҳалла аҳлининг ота-

оналари, қариндош-уруғлари мангу кўчим топширган. Уларни ёдга олиш, хотираларини қадрлаш ётган жойларини обод қилишдан бошланмайди-ми?! Қишлоқнинг Хонобод кўчасидан ўтар экансиз, дилингиз янада хиралашади. Асфальт қоқлама-лар кўпорилган, йўдим-чуқур йўлдан юриб, ша-лоғи чиқаётган машиналарга ачинасан киши. Маҳаллий аҳолининг айтишича, худудда Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш бошқармасига қарашли асфальт ва темир-бетон маҳсулотлари заводи бор. У ерга қатновчи оғир юк маши-

наларни йўлларни шундай абгор қолга келтирмоқда. Асфальтни эзиб, кучириб ташламоқда, янгигина ямалган чуқурларни эса қайтадан уйиб юбормоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОРИ

БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Вилоят сайлов комиссиясига Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» СДП социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбе-

кистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқлиги вилоят сайлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 20, 21, 24, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Table with 5 columns: Nomzodning F.I.O., Tugilgan yili, Egallaб turган лавозими, Яшаш манзили, Nomzод этиб кўрсатган ташкилот. It lists candidates for the 18th 'Zafar' district, 36th 'Oqqorgon' district, and 45th 'Kelas' district.

Вилоят сайлов комиссияси раиси Тошкент шаҳри, 2013 йил 27 апрель.

У. АБДУШОҲИДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Телефон орқали қайта-қайта таклифдан сўнг Суннатилла шаҳарга отланди. Уни йўқлатган Облокул аслида бегона эмас. У ҳам дүппидеккина шу Кўрпасой кишигагина одами. Ҳўши бахонасида шаҳарлик бўлиб кетган. Оиласи билан пойтахтда яшаётганига 40 йилдан ошди-ёв. Институтда аввал кичик ходим, номзодликни ҳимоя қилгач, домла бўлди. Қанча-қанча шогирдлар етиштирди.

Таассуфки, Облокул илм соҳиб бўлишига қарамай, шаҳар ҳаётига бутунлай кўникиб кетолмади. Бир оёғи Кўрпасойда бўлди. Тез-тез қатнаб, аввал ота-онасига, улар ўтиб кетишгач, жигарларига оқибат кўрсатди. Таътилда келиб туриш учун қишлоқда муъжазгина ховли-жой қилди. Узоқ қариндошининг бекор ётган устакасини сотиб олиб, терак экди.

Суннатилла Облокулга ўзгача меҳр қўйганди. Қишлоқдаги маросимларда кўпда бирига бўлиб, узоқ гурун-лашар, сўнг Суннатилла унга таклиф қилар, Облокул ҳам бир пиёла чой бўлса, майли, деб бораверарди.

Шундай олим одам телефонда қайта-қайта йўқлаб турса-ю, Суннатилла йўқ деса олармиди. Қолаверса, ўзининг ҳам у билан битадиган иши бор. Мактабда ўқитишнинг ноанъанавий услубининг ҳақида кўп-кўп шахсий фикрларини қўралиб қўйган. Уларнинг сарғайиб ётишидан нима наф? "Облокул акам илм эгаси, - ҳаёвдан ўтказди Суннатилла. - Бир кўздан ўтказса, маъқул бўлса, ҳайбат муҳомадасига тавсия этар. Ҳеч бўлмаса жўяли маслаҳатлар берар..."

Суннатилла шу илмининг бир дунё оруз билан йўлга тушди. Икки соатлик йўл ортда қолиб, пойтахтнинг кўп қаватли бинолари кўзга ташлана бошлаганида Суннатилланинг юраги ҳақриқди. "Кўзгемаларим кўздан ўтиб, кўлга маъқул келса-ю, таълим-тарбияда муайян ўзгаришлар юз берса, бунда менинг ҳам хиссам бўлса..."

Суннатилла шундай умидлар билан Облокул хонадонни кўнгиригини босди. Эшик очилди-ю, остонада Облокулнинг ўзи кўриниш берди: - Келинг-е, Суннатилла иним, йўлингизга кўзлариниз миз тўрт бўлиб кетди-ку. Қишлоқдан оёқ ўзинингиз шўнчалик қийинми? Ҳўлақда Суннатиллани семиртиб, беўхшоб бўлиб кетган келинйўли ҳушламайгина қарши олди. Меҳмон қўлидаги шувулғони майиз, жийда, туршак, олма, шаф-

вининг ҳимоя иши дегандай... Мени шунга ўргатманглар, дейман, аммо сира кўнишмайди. Гоҳ қуруғидан, гоҳ ҳўлидан ташлаб кетишди. Суннатилла кўзларини катта очиб, мезбонга тикилганча, ҳаёлга толди: "Қишлоқда ҳаммани ҳалолликка, покликка, одамийликка ундайдиган, ўзини кўйи оғиздан чўп олмайдиган қилиб кўрсатадиган соҳибни илм шуми? Одам олмаси ичиде деганлари рост эканда..." Облокул шаҳар одами

Теракзор ичиде ўзининг шамдай қотиб турганини кўз олдига келтирди. - Ҳа энди иш бўлса бир гап бўлар, чойдан олинг, ҳамқишлоқ, - бу қутилмаган носамийлик, сохта мулозаметдан Суннатилла ўзига келиб, ҳўшёр тортиди. Мезбоннинг қўлидан пиёланга оларкан, аранг "раҳмат" дедди. Мана шу бир оғиз "раҳмат" мезбонга яна ҳалиги ёқимсиз мазунини давом эттириш учун қиёфа қилди: - Мулла Суннатиллабой,

га арзийдиган катта иш экан. Ярим йил қиёфа. Кўздан ўтказиб берман. Шу, сиз терагимни қўриқлаб... Суннатилланинг сабри дарз кетди, нафсонияти кўзгади. - Облокул ака, мен қишлоқдан иш сўраб келган мардикорга ўшайманми? Сизни олим одам десам... Бундоқ хол-ахвол, қишлоқдагилар соғ-омонми, дейиш ўрнига... Ҳўзингиздан ортмайсиз... Облокул меҳмондан бун-

тутиб қолди: - Ҳой Шаҳри, Холча нима бало, қаймоқни меҳмон кетганидан сўнг қўясанларми, ухлаб қолдингларми? Инқарибдан аёл кишининг нолиши эшитилди: - Мақтаниш ҳам эви биланда, қаймоқ қаёқда, кўрмаганимизга йил бўлапти-ку. Облокул дами чиққан қоптоқдек бўшашди: - Ука, энди бу рўзгорни ҳеч ким бадастир қилиб қўймаган. Бир кун у йўқ, бир кун бу йўқ дегандай... Шу тобда деворга осиглиқ телефон бемаврид қичқирган ҳўроздай чинқириб юборди. Облокул оғир сўлишиб олиб, ўрнидан кўзгалди. Кейин ҳўсиз қайфиятда гўшақини қўлига тутди: - Ҳа, эшитаман. Э, кеҳиринг укаҳон, сизмисиз. Зийфат дейсизми? Уйда меҳмон бор, ташлаб кетсақ қандоқ бўларкин. Бирга олиб келаверинг, дейсизми? Ноқулаймикан-а... Ҳа энди, буниси бошқа гап. Меҳмонга деб ул-бул ҳўл-қуруғидан ўраб-чирмаб берсангиз... Укамиз ўзимизники, кўнгли очик йигит.

Мезбон гўшақни жойига олиб, бесўнақай қеришди. Сўнг сохта итдао қилди: - Ука, ҳар кунги шу ахвол. Устозликнинг юки оғир экан. Бормасак бўлмайди. Хурматимизни қилиб, уйга қаҳиряпти. Сиз жиянлар билан гурунлашиб, а... Кўп ўтирмай, қайтамиз... Суннатилла бош силкиб, "майли" ишорасини қилди. Деразадан ташқарига аланг-лади. Хали вақт бор. Қўш ҳўйла тепада. Таксига ўтирса улгурлади.

Облокул хотинини олди-га солганча, пастга тушди. Уловга ўтириб, кўздан гўйиб бўлишди. Суннатилла дераза раҳиде кўлэмалар папкисини қўлтиқлаганча, остонага қийнашларкан, унга ҳайрон қараб турган жиянларга ростиғини айтиди: - Тоғага айтасизлар-да, укажонлар, мен энди қишлоққа қайтаман...

Суннатилла бош силкиб, "майли" ишорасини қилди. Деразадан ташқарига аланг-лади. Хали вақт бор. Қўш ҳўйла тепада. Таксига ўтирса улгурлади. Облокул хотинини олди-га солганча, пастга тушди. Уловга ўтириб, кўздан гўйиб бўлишди. Суннатилла дераза раҳиде кўлэмалар папкисини қўлтиқлаганча, остонага қийнашларкан, унга ҳайрон қараб турган жиянларга ростиғини айтиди: - Тоғага айтасизлар-да, укажонлар, мен энди қишлоққа қайтаман...

Суннатилла бош силкиб, "майли" ишорасини қилди. Деразадан ташқарига аланг-лади. Хали вақт бор. Қўш ҳўйла тепада. Таксига ўтирса улгурлади. Облокул хотинини олди-га солганча, пастга тушди. Уловга ўтириб, кўздан гўйиб бўлишди. Суннатилла дераза раҳиде кўлэмалар папкисини қўлтиқлаганча, остонага қийнашларкан, унга ҳайрон қараб турган жиянларга ростиғини айтиди: - Тоғага айтасизлар-да, укажонлар, мен энди қишлоққа қайтаман...

Собиржон ИНОМОВ.

Ҳикоя

ҚОРОВУЛ

толи қоқилари солинган каттагина халтани оларкан, манзират қилган бўлди: - Бекор овора бўлибсизда, шаҳарда ҳамма нарса бор-ку.

- Ҳа, булар энди қишлоқликда, янга. Акамга Кўрпасойнинг ҳавосида қуриган қоқилар тансиқ деб олиб келавердим. Меҳмонхонага киришайтиб Облокул Суннатилланинг қўлидаги папкисига кўзи тушиб, ҳазил қилди: - Сизни қишлоқда би-нойи ўқитувчи десам, ҳали ҳам диплом иши битмаган эканда.

- Битган, - жилмайди Суннатилла, - буларда узоқ йиллик меҳнатим натижаси бўлиши шайх қарашларим баён этилган. Шуларни бир кўздан ўтказсангиз деб... Ҳар холда олий даргоҳларни кўрган олимсиз. Меҳмон сўзсиз бошини қашлади: - Мулла Суннатилла, ақбарингиз йўқ шеклини, анчадан буюн нафақаданман. Кўз қиймайдиган шогирдларимдан сира ортамайтман, бировнинг дипломи, биро-

эмасми, меҳмоннинг ичидеги галаёни илғаб, ўзи мушкулени осон қилди: - Мулла йигит, бир жойнинг одамимиз, сиздан пул таъма қилсам, уят бўлар. Аслида сизни шаҳарга чорлашимдан мудао бўлак эди, - Облокул қуёнчақ қиёфага кириб, сўзини давом эттирди. - Зийлини фақат зиёли тушунади-да. Хабарингиз бор, бундан беш-олти йил муқаддам Кўрпасойдаги қариндошлардан бирининг устакасига терак эқирганман. Олди иморатбор бўлиб қолди. Утган ҳафта борсам, уч-тўрт тул етилганини қайсидир худобехабарлар келиб кетишичди. Шунга ўйилларингиздан бирини ёки ўзингизни тунда қорувуллаб берсаларинг дедим. Майли, илғима қаравот мендан бўла қолсин.

Суннатилланинг боши ногаҳонда чир айланди. Олдидаги ўзи қишлоқдан олиб борган қоқилар билан тўлдириб ташланган стол четини тутганча, тош қотди. Меҳмон яна нималардир деди. Меҳмон эшитмади.



ҳеч хавотир олмаган, бизда қолиб кетмас, қорувул ҳақини берамиз. Бир жойнинг одамимиз, ўлимизми ҳам, тиргимиз ҳам бир десангиз, мана, "иш" олиб келибсиз-ку. Сиздан уғина, биздан бугина дегандай... Меҳмон кўзларини бир-бирига ишқалаганича, Суннатилланинг кўлэмалар папкисини олиб салмоқлади, сўнг бепанасан дераза раҳиде ташлаб, мудао сизни ошқор қилди: - Ука, бу бартер қилиш-

дай гапни қутмаган шеклини, бирдан ҳўшёр тортиди, ўзини оқламоққа уринди: - Ука, катта ўлим тadbиркор, топиш-тутиши ёмон эмас. Тағида хориж уллови. Кичик ўлим олий маълумотли дўқондор. Кунда нонимизни қаймоққа ботириб еймиз. Ҳар холда турмушимиздан ноллимизми... - Облокул мақтана туриб, дастурхонга разм солди-ю, шафтоли, олма, жийда қоқилардан бўлак ҳеч вақо йўқлигини қўриб, сохта йўтали

ҳеч хавотир олмаган, бизда қолиб кетмас, қорувул ҳақини берамиз. Бир жойнинг одамимиз, ўлимизми ҳам, тиргимиз ҳам бир десангиз, мана, "иш" олиб келибсиз-ку. Сиздан уғина, биздан бугина дегандай... Меҳмон кўзларини бир-бирига ишқалаганича, Суннатилланинг кўлэмалар папкисини олиб салмоқлади, сўнг бепанасан дераза раҳиде ташлаб, мудао сизни ошқор қилди: - Ука, бу бартер қилиш-

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Кимнинг ким эканлиги аввало, она заминга меҳри ва садоқати, атроф-табиатга, унинг бебаҳо бойлиқларига муносабатига аққол акс этиб туради. Биз ўз оламимизни кашф этар эканмиз, ҳаёт атам-лаш бебаҳо неъматининг ранг-баранг дунё-

сига ўзимизгагина хос онгу шууримиз билан таъсир ўтказамиз. Дунё эса, яхлит. Ва биз ушбу ноёб милоҳий ўнсуринг бир заррасимиз. Ҳўзимиздан уй-жой, бог-роғ, китоб, қўйингки, она заминда бирор-бир из қолдиришга интилишимиз шунаан.

Қанчадан-қанча тўкин боғлар, кенг ва раван йўллар, кулай ва мустаҳкам кўприклар ўз бунёдкорлари номини сақлаб қолмаган. Аммо, замин унутмайди. Дарё ва дов-дарахтлар ҳам уларни ёдда тутди. Қадим қишлоқларнинг жумбоқли, гаройиб, баъзан жумжал номлари бизларни узоқ ўтиришга, афсона ва ривоятлар оламига олиб кетади. Агар киши ўша қадим оламни ҳаёлан кўра олса, идрок эта билса, қалби қувонгча тўлади ва бу ҳаёт завқи уни ҳеч қачон тарк этмайди.

Бўка туманида тарихий жойлар кўп. Афсуски, айрим археологик ёдгорликлар қишлоқ ҳўжалик ишлари жараёнида йўқ бўлиб кетди. Энди қолганларини асраб-авайлаш, келажак авлодга қолдириш жоиз. Анамайли, Қорақўйли, Қорабоғ, Ямантама... Ушбу ҳар бир атамда буюк халқимиз аждодларининг муайян қабилалари тақдирини мўжассам ва у яшамокда. Бунағни Бўка-Пискент, Бўка-Бекобод каби барча йўналишлар бўйлаб қадимда кўплаб аҳоли яшаш жойлари, қарвонсаройлар бўлган. Ҳўбек археологлари дафн қўрғонлари ва қадимий қаср-қалъалар топшиган ва вилоят харитасига киритишган.

Чотқол-Қурама археологик отряди 1963 йилда Юрий Бурков раҳбарлигида Пискент ва Бўка оралиғиде қадимий ёдгорликлар ўрнида қазива ва тадқиқот ишлари олиб борди. Археологлар ушбу худуддаги кўплаб қадим қўрғонларини синчковлик билан ўргандилар. Паҳсадан қурилган ва тупроқ билан махсус тўлдирилган бир бўлмали иншоотлар очилди. Ушбу иншоотлар ичидан эрамининг биринчи мингйиллиги биринчи ярми ва иккинчи ярми бошларига тааллуқли зеб-зийнат

ЭНГ ОЛИЙ БАХТ



ҳамда қурол-яроғлари бўлган дафн жойлари, шунингдек, XII-XIII асрларда барпо этилган қадимий қурилмаларнинг қолдиқлари топилди. Энди туман маркази ҳақида гапирадиган бўлсак, бош жоме масжиди ишлаб турган Бўка шаҳарчаси катта худудни эгаллаган ёдгорликдир. Археологлар қазиб олган топилма материаллар эрамининг биринчи асридан то XIII асргача бўлган узоқ даврни акс эттиради. Бу - қадимги Самсарак шаҳри, деган фикрлар бор. X-XI асрларда яшаб, ижод қилган Шарқ географлари ёзиб қолдирган маълумотларда шу фикр кўп бор келтирилган.

Дарҳақиқат, ўнлаб муқаддас қадимжолар халқ хотирасига муҳрланиб қолган. "Қўчқор ота", "Губур ота", "Зунун ота", "Ҳойиб ота", "Қорақўйли ота", "Шаҳид мазор" ва кўплаб қадимжоларни халқ юксак қадрлайди ва ҳашар йўли билан тикилапти. Қорақўйли қишлоғида бўлсангиз, ўзгача ёруғлик

оламга кириб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни. Бу - жуда гўзал, ёрқин қишлоқ. Муқаддас зот - Қорақўйли ота - Муҳаммад Қорақўйи, Эшонбувнинг қабри шу ерда. Бу зот Муҳаммад (с.а.в.) пайгамбарнинг 12-авлоди ҳисобланади. У бу ерларга сув чиқарган. Ривоят қилишларича Қорақўйли ота муқаддас Қирққиз қўли ёнига келиб (унинг яна бир номи Кўлопта бўлиб, у яна 40 та қўли ўз қаровига олган), таҳрират қилган, сўнг асоси билан йўл чизган. Қирққиз қўлининг суви шу чизилган йўл орқали бу жойларга келиб, худуд тўкин-сочин масканга айланган.

Яна бир ажабтовур ҳолат. Муқаддас қадимжолар каватида 1080 метр чуқурликдан фаввора отилиб чиққан. Қорақўйли муқаддас бўлган шу тарихи жуда жуда келган. Унинг суви шифобахш. Айниқса, жигар хасталиғига даво.

Бу ерда 2001 йилда муқаддас қадимжони тиклаш ишлари бошланди ва 2002 йилдаёқ Қорақўйли отанинг қабри обод қилиниб,

гўзал мақбара барпо этилди. Шу жойда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 225 нафар қамқишлоқлар хотирасига атаб, ёдгорлик ҳайкали ҳам ўрнатилди.

Муқаддас қадимжони ва умуман, ўз қишлоқларини оёдонлаштиришга салмоқли хисса қўшган Қорақўйлининг обрў-эътиборли кишилари билан узоқ давом этган дилдан сўхбат чоғида Омон Амиров, Акромжон Нурматов, Ориф Эргашев шу қишлоқда туғилиб ўсган, барақали меҳнати билан хайрли из қолдириб кетган яхшилар ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилиб беришди. Ҳаммаларининг номларини тилга олишнинг имкони йўқ. Аммо, халқ уларни ҳеч қачон унутмайди. Замин эса уларни авайлаб асрайди.

"Қорақўйли отанинг боши - Обликда, оёғи эса - Шарқияда" деган доно нақл юради бу ерларда. Облик - Ангренинг биқинида, Шарқия (Сирдарёдаги қадимий кечув) - Оққўрғон туманидаги Шохруҳия худудида. Қорақўйли отанинг беназир куч-қудрати шу тахлит бир вақтлар Йўқ давлати аталмиш кенг худудга ёйилган.

Фарзандлар туғилиб, ўсиб, воғга етаётган она заминнинг тобора гуллаб-яшнаётганини қўришдан қучлироқ қувонч, Ватан ҳиссини ич-ичидан туйишдан олийроқ бахт йўқ. Зеро, булар шундай бойлиқки, ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди. Бу бойлиқлар руҳиятга куч-қувват, қалбларга қувонч бахш этиб туради.

Бўка туманидаги ўнлаб қишлоқлар қатори Қорақўйли ота ҳам ана шундай бойлиқка эга. Ушбу жойлар тарихини яратганларнинг, заминини яшнатганларнинг табарқур ном ва тимсоллари уша тарихий қадимжоларда абадий муҳрланган.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жағмармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.

ОЗДИРУВЧИ ШОКОЛАД

Аччиқ шоколад вазнини камайитириш хусусиятига эгаллигидан қўнчилик ҳабардор. Бўнинг учун ширин парhezга риоя қилиш, яъни кўп давомида фақат аччиқ шоколаддан оз-оздан тановул қилиб юриш керак.

Энди бундай чекловга ҳожат қолмади. Буюк Британиянинг Уорика университети тадқиқотчилари озишга ёрдам берувчи шоколад яратдилар. Одатда шоколад тарихидаги кирувчи какао, ёғ ва сўт махсулотлари ўрнини олма, апельсин ва нордон мевалар шарбати говак-говакли тарзда



эгаллади. Бўнинг ҳисобига шоколаднинг калорияси камайиб, фойдали хусусияти янада оширилди. - Нозик қадди-қоматга эга бўлишни хоҳловчи ширинлик шайдолаши ҳам бундай шоколадни ҳафсирмай, бемалол тановул қилишлари мумкин, - дейишмоқда мутахассислар.

Жинойатга жазо муқаррар

Йиқ ота тарафларга йўлингиз тушса, бир разм олишингиз. Катта йўлга ёндош, автомобилларга газ қуйиш шохобчасининг шундоққили рўпарасида бир тўп жийда дарахти бор. "Умри" мобайнида бу жийда дарахти нималарга шохид бўлмади

дан маҳрум этилган-у, халқимизга ҳос бағрикенглик намунаси бўлган амнистия шарофати билан жазодан қутулиб қолди, яна қайта оғир жинойатга қўл урган кимсгага нисбатан шундай ибораларни қўллаш зарри бўлса ажабмас.

билан уч ярим миллион сўмга баҳоланган бу оғуни унга бир йилгит келтириб бериши, у эса воситачи йигитдан дастлабки тўрт юз минг сўмни бериб юбориши керак эди. Тез орада Матлуба Тожиевга кўнгирак қилиб, "бу-

юзма-юз келди. Излаганини топди. Топди-ю... шу жойингиз ўзида қўлга тушди. Яширилган "бир нарса" - бир жуфт аёллар тўғилгани орасига жойлаштирилган героин эканюни унинг соғ огрилги 87,5 граммлиги судга оид кимвий экспертиза ҳўласасида тасдиғини топди. Боз устига, суриштирувларда Тожиевнинг бу ҳўнари ача йиллардан бери илдири отиб келгани ҳам юзга қалқиб чиқди. Бу ёқда, "Тошкент-Бекобод" йўналишида қатновчи қирақашдан уша 400 минг сўми олаётган вақтда Жаҳонгир Нурматов ҳам тумшугидан илинди.

ЖИЙДАНИНГ ҲАСРАТИ

дейсиз? Унинг олдида яхши ҳам ўтди, ёмон ҳам. Кимдир саратонда соялади, кимдир новда-япроқларини эрмак учун юлиб, ҳазон қилди.

Шурлик дарахтининг бошига не келмасин, чидамоқдан ўзга чораси йўқ. Нима ҳам қила оларди? Дардини ёрай деса, унда на тил бор, на тингловчи. Аммо, зоҳиран қўлоқ тўтсангиз, дарахтларнинг шивирини да ҳам қандайдир маъно, дард ва нола бордек. Масалан, менга бу ҳикояни айтиб ўша жийда дарахти худди бергандек, гўё...

Икромжон Тожиев асли тошкентлик. Ойлали. Ёши ҳам қирқки қоралади. Аммо, юмшоқ қилиб айтганда, иродаси бўш, ҳаётда бирор мақсад-мудданинг этагини тутмаган, бугунги билан яшаб, эртанги кунига йилиш умид, эзгу ният билан қадам босмайдиган, энг ёмони, яхшиликни билмаган бир кимса. Биласизми, инсон шаънида бундай гапларни айтиш осон эмас. Бирок, илгари жийдий бир жинойатга қўл уриб, тўққиз йилга озодлик-



Шундай қилиб, Тожиев кўп микдордаги гўйехандлик моддаларини контрабанда йўли билан ўтказиш ва сотиш мақсадида жинойат содир этаётган чоғида ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари қўлга олишди. Тергов-суриштирувлардан маълум бўлишича, ўтган йилнинг июль ойларида Икромжон таниши, Тожикистон республикаси фуқароси, дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Матлуба исмли аёл билан телефон орқали боғланиб, ундан героин моддаси топиб беришини илтимос қилади. Узаро келишувга кўра, бўлиб тўлаш шарти

юртма"ни ишончи одамида бериб юборганини маълум қилди. Зум ўтмай, Икромжоннинг телефони "сайради". Уни безовта қилаётган Жаҳонгир Нурматов эди. У қўшни республикалик аёл бериб юборган "бир нарса" - ни Юқори Чирчиқ тумани, Йиқ ота қўрғонидеги автомобильга газ қуйиш шохобчаси рўпарасидаги жийда дарахти тарихидаги жийда дарахти инсон қиёфасидеги кимсалардан фарқи ўлароқ, ўз вазифасига бир умрга содиқлигини намойиш этиб, ҳадемай шифобахш меваларини маҳаллий аҳолига инъон этади.

Икромжон айтилган жойга борди. Жийда билан

Жинойат ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туман суди бу ишни батафсил қўриб чиқиб, айбдорларга қиймиларига яраша жазо тайинлади. Бу икки оғуфурш умрининг 14 йилини панҳара ортида ўтказишга маҳқум этилди.

Жийда дарахти нима бўлди, дейсизми? Одам боласининг норасо қилишларидан лолу ҳайрон қолган дарахт инсон қиёфасидеги кимсалардан фарқи ўлароқ, ўз вазифасига бир умрга содиқлигини намойиш этиб, ҳадемай шифобахш меваларини маҳаллий аҳолига инъон этади.

А. БЕКМУРОДОВ.

Table with contact information for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper, including address, phone numbers, and website.